

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



**Тошкент давлат аграр
университети - 90 ёшда:
тарих, бугун ва истиқбол**



ТОШКЕНТ 2020

**THE MINISTRY OF AGRICULTURE OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN
TASHKENT STATE AGRARIAN UNIVERSITY**

**МИНИСТЕРСТВО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

PROCEEDINGS
of the international conference dedicated to the 90th anniversary of the establishment
of Tashkent state agrarian university
**“ACTUAL THEORETIC - PRACTICAL PROBLEMS AND THEIR
SOLUTIONS IN THE AGRICULTURAL SCIENCE”**
14-15 December, 2020 y.

СБОРНИК
международной конференции, посвящённой 90 летию образования
Ташкентского государственного аграрного университета
**«АКТУАЛЬНЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ
АГРАРНОЙ НАУКИ И ИХ РЕШЕНИЕ»**
14-15 декабря, 2020 г.

**АГРАР ФАН НАЗАРЯСИ ВА АМАЛИЁТИДАГИ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**
“Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганлигининг 90 йиллигига”
бағишланган халқаро конференциянинг
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ
2020 йил 14-15 декабрь

Tashkent, Uzbekistan

Биохимические показатели урожая раннего картофеля в зависимости от фона питания и способов применения стимулятора роста береке гн в условиях юга Кыргызстана <i>Танаков Н.Т., Улугбекова А.У.</i>	136
Қоракўл кўйлардан инновацион технологиялар асосида гўшт етиштириш технологияси <i>Турсунов Х.Ш., Ҳакимов Ў.Д., Норбоев Ҳ.Ҳ., Шукуров Р.С., Шерқулов Қ.Ш.</i>	142
Итларда гастротомия жарроҳлигида жароҳатларга табиий ва синтетик чоклаш материалларини кўллашнинг аҳамияти <i>Ўлмасов Б.Ф., Саттаров Қ.О.</i>	146
Янги тут навларини ипак куртларининг пилла ва унинг қобиғи вазни ҳамда ипакчанлик кўрсаткичларига таъсири <i>Умаров Ш.Р., Ялғашев Х.А.</i>	151
Бухоро вилояти зикри кўлининг балиқчилик самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари <i>Усмонова Д.Б., Носиров О.Т., Хожалепесова Г.М.</i>	155
Тут ипак куртининг районлаштирилган зотларини кўпайтиришнинг турли усулларида селекцион белгиларнинг намоён бўлиши <i>Умаров Ш.Р., Фозилова Х.П.</i>	159
Тут ипак куртининг районлаштирилган зот ва тизимлари технологик кўрсаткичларини қиёсий таҳлили <i>Насириллаев Б.У., Худжаматов С.Х.</i>	164
Баҳор ва ёз мавсумларида янги яратилган тут навларининг морфологик ва хўжалик қимматли белгиларининг намоён бўлиши <i>Ялғашев Х.А., Умаров Ш.Р., Исроилова Ё.Б.</i>	167
«Хоразм балиқ маҳсулотлари» жамиятининг қисқача гидробиологик тавсифи <i>Алламуратова Г.Б., Абдурахмонов Д.А.</i>	171
Кокцидиоз кроликов в возрасте от 1 года при содержании в шедях и их терапия <i>Терентьев С.Е., Безжакотов Д.С.</i>	174
Ўзбекистон сув ҳавзалари шароитида оқ сла балигининг ўсиши <i>Дехқонова Д.Р., Юлдашова Д.М.</i>	179
Тут ипак куртини кимёвий захарланиш профилактикаси <i>Жумагулов Қ.А., Жураева М.Ж.</i>	183
Применение комплексного метода при лечении тейлериоза крупного рогатого скота <i>Сафаров М.М., Асқарходжаев С.С.</i>	187
Оценка экстерьерные и этологических показателей лошадей нф зао «Райз-МАКСИМКО» <i>Ю.Л.Слюсаренко</i>	193
Анджон вилояти шароитида маҳсулдор сигирларда йод ва рух етишмовчилигининг сабаблари ва ривожланиш хусусиятлари <i>Солиев Б.Ч., Эибуриев Б.М.</i>	199
Йирик шохли ҳайвонларда руменотомия операцияси ўтказишда замонавий усул воситаларни кўллаш <i>Ўлмасов Б.Ф., Маматқулов А.Ш., Саттаров Қ.О.</i>	203
Гўштдор-сержун совлиқларни сунъий уруғлантириш самарадорлиги <i>Шаюсунов Б.Б., Рўзбоев Н.Р.</i>	213

БУХОРО ВИЛОЯТИ ЗИКРИ КЎЛИНИНГ БАЛИҚЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Усмонова Дилноза Баратовна¹, Носиров Олимжон Темирович²,
Хожалепесова Гулистан Муратбековна³

¹Ассистент, Бухоро давлат университети, Бухоро

²Биология мутахассислиги I- курс магистри, Бухоро давлат университети,
Бухоро

³Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицей, Биология
ўқитувчиси, Нукус

MEASURES TO INCREASE THE FISHING EFFICIENCY OF LAKE ZIKRI IN BUKHARA REGION.

Usmonova Dilnoza Baratovvna¹, Nosirov Olimjon Temirovitch²,
Khodjalepesova, Gulistan Muratbekovna³

¹Assistant, Bukhara State University, Bukhara

²Master student of the 1st course, speciality "Biology" Bukhara State University,
Bukhara

³Biology teacher, Academic lyceum of Nukus State Pedagogic Institute, Nukus

Abstract

Development of new, high productivity technological approaches requires more efficient use of the water bodies. In order to optimize industrial fishing, the method of artificial formation of ichtyofauna is used (the productivity 8-15 kg per hectare) but it is necessary to use intensive aquaculture technologies (100 kg/m³) and culture-based fisheries (the productivity 50-60 kg/ha and more). All of these variants require the deep study of all water body and canal network.

Keywords: fish productivity, culture-based fisheries, intensive aquaculture technologies

Аннотация

Сув ҳавзасидан янада самарали фойдаланиш учун янги, маҳсулдорлиги юқори технологик ёндошувларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Балиқларни саноат усулида овлашни оптималлаштириш мақсадида ихтиофаунани сунъий шакллантириш усулидан фойдаланилади (маҳсулдорлик гектарига 8 – 15 кг дан ошади), аммо, юқори балиқмаҳсулдорлигига эга бўлган яйлов аквакультураси технологиясидан (маҳсулдорлиги гектарига 40-60 кг ва ундан юқори), интенсив аквакультура технологияларини (100 кг/м³) қўллаш зарур. Бу вариантларнинг барчаси сув ҳавзасини ва унга сув олиб келувчи каналларни жуда чуқур, комплекс тарзда ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларни талаб этади

Калит сўзлар: Зикри кўли, ихтиофауна, балиқ маҳсулдорлиги, яйлов аквакультураси, интенсив аквакультура технологиялари

Ўзбекистон ўзининг географик жойлашувига кўра қитъанинг жуда ичкарасида жойлашганлиги туфайли ички сув ҳавзаларидан шу жумладан, ирригация мақсадларида ишлатилган сизот сувлари тўпланадиган ҳавзалардан ҳам самарали фойдаланиши талаб этилади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда кейинги йилларда балиқ етиштириш ҳажмини оширишга, аҳолини ушбу тақчил қимматбаҳо маҳсулот билан эҳтиёж даражасида таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва мавжуд сув заҳираларидан самарали

фойдаланиш каби масалаларга жуда катта эътибор берилмоқда. Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар жумладан, 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2939 - сонли, 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3657-сон қарори, 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4005-сон [қарори](#) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги “Балиқчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” № 606-сон қарорлари бу ҳақда шоҳидлик қилади. Қолаверса, 2020 йил 29 августдаги “Балиқчилик тармоғини кўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 4816-сон қарорда коллектор-дренаж тизими сувларида балиқ етиштириш рағбатлантирилиши бундан кейин балиқчилик ривожини шу тизим сув ҳавзаларига йўналтириш лозимлиги таъкидланган. Шу билан бирга балиқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришни ҳар бир сув ҳавзаси учун ишлаб чиқилган биологик асосларсиз тасаввур қилиш қийин. Биологик асос эса сув ҳавзасидаги мавжуд балиқ захираларидан самарали фойдаланиш ва уларда янги инновацион, нисбатан маҳсулдор технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган лойиҳаларни камраб олиши лозим. Ўзбекистондаги бир қатор сув ҳавзаларида (Тўдакўл сув омбори, Айдар-Арнасой кўллар тизими) охириги йилларда тадқиқот ишлари ҳар ҳолда қилинган бўлса-да бошқа сув ҳавзаларида бундай тадқиқотлар умуман ўтказилмаган, ёки ўтказилган тадқиқотлар режали иқтисод (собик иттифок)даврига тўғри келади, республикадаги барча сув ҳавзаларнинг гидрографик хусусиятлари ҳозирга келиб бутунлай ўзгариб кетди, оқова сувлар тўпланиб иккиламчи гидроэкоцистемани ҳосил қилди (Зикри кўли ҳам шундай сув ҳавзалар тоифасига киради)[1,2].

Зикри сизот сувлари тўпланадиган кўл бўлиб, Бухоро шаҳридан 30 км жануби шарқда жойлашган (1-расм). 1990 йилларда пайдо бўлган кўл атрофи ўсимликлар билан қопланган бўлиб, суви шўрланган. Сув олиш манбаси Девхона ўзани. Сув сиғими 80 млн м³. Ҳозирги кундаги сув ҳажми 58 млн м³. (Абдуллаева М. А., 2003). Зикри кўли Қоровулбозор тумани худудида жойлашган бўлиб, оқова ва Қарши коллекторидан асосий суви олади. Майдони 1600 га, чуқурлиги 8 м, сув сиғими 110 млн/м³ ёз ойларида сув сатҳи кескин тушиб кетади. Бунинг сабаби қуйиладиган сувнинг камайиши ва буғланишнинг юқори бўлишидир.



1-расм. Бухоро вилоятидаги Зикри кўлининг жойлашиш чизмаси

Кўлларнинг амалда инсон томонидан барпо этилган оқава сувлар тўпланадиган учта гуруҳи – Амударёнинг куйи оқимидаги, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ва Зарафшон дарёсининг куйи оқимидаги кўллар назарий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. Йирик Аму-Бухоро машина канали қурилгандан кейин сув Амударёнинг ўрта оқимидан Зарафшоннинг куйи оқимидаги қишлоқ хўжалиги мақсадларида йўналтирилди. Сизот сувлари бир қатор нисбатан янгидан барпо бўлган ёки қадимги шўрхок кўллар ўрнида ёхуд бошқа табиий чуқурликларда тўплана бошланди. Бухоро вилоятидаги Зикри кўли ҳам мана шундай кўллар тоифасига киради. Мазкур кўл ҳозирги ҳолатида яқиндагина (кейинги 20-йил давомида) пайдо бўлди ва сизот сувларини тўплашда давом этганлиги учун ундаги шароит мунтазам равишда ўзгариб туради. Сув ҳавзасидан балиқчилик мақсадларида деярлик фойдаланилмаган, гидрохимёвий ва гидробиологик тартиби ҳақида маълумот умуман йўқ, уларнинг на сифат таркиби на миқдор кўрсаткичлари ўрганилган.

Табиий балиқ заҳиралари ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдан жуда ночор аҳволда, ихтиологлар анчадан буён, Орол денгизи ҳавзасидаги сув ҳавзалар ва ҳатто, бир неча юз йиллик тарихга эга бўлганларининг ҳам табиий маҳсулдорлиги гектарига 3-5 кгдан ошмаслигини таъкидлашади. Бу эса мамлакатимиз шароитида тақчил бўлган балиқ маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш учун жуда камлик қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, нисбатан янги маҳсулдорлиги юқори технологик ёндошувларни ишлаб чиқиш тақозо этилади. Балиқларни саноат усулида овлашни оптималлаштириш мақсадида ихтиофаунани сунъий шакллантириш усулидан фойдаланилади (маҳсулдорлик гектарига 8 – 15 кг дан ошиши мумкин), сув ҳавзасидан янада самарали фойдаланиш учун яйлов аквакультураси технологиясидан (маҳсулдорлиги гектарига 40-60 кг ва ундан юқори), бунданда юқори маҳсулдорликка эга бўлган (100 кг/м³) аквакультура технологияларини кўллаш зарур. Бу вариантларнинг барчаси сув ҳавзасини ва унга сув олиб келувчи каналларни жуда чуқур, комплекс тарзда ўрганишни талаб этади.

Зикри кўлининг координаталари - 39°15' N. 64°40' E, баландлиги - 250-252 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган бўлиб, майдони 605 гектарни ташкил қилади, максимал чуқурлиги 6-7 метр, сув ҳавзасида чуқурлиги 7-8 метр бўлган жойлар устунлик қилади, суви қисман шўрланган бўлиб 9-12 промилле ни ташкил қилади. Кўлда охириги йилларда (2018 йили) «Зикри кўли» балиқчилик хўжалиги ташкил қилинган ва йилига ўртача 5 тонна балиқ овланади. Бу ташкилот билан сув ҳавзасида балиқ маҳсулдорлигини ошириш мақсадида комплекс тадқиқотлар олиб бориш бўйича келишувга эгамиз.

Олдинги йилларда сув кириши муаммолиги туфайли шўрлиги 12 промиллени ташкил этган. Ҳозирда кўл қайта реконструкция қилинганлиги туфайли унинг шўрлиги 6,5-7 промиллега етган ва товар балиқларни етиштириш мумкин бироқ, Зикри кўлидан балиқчилик мақсадларида фойдаланиш учун биринчи навбатда куйидаги: сувнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш, балиқлари товар тўдасининг ўсишини аниқлаш. саноат усулида овланган балиқлари ёш-ўлчам тузилишини таҳлил этиш, сув ҳавзасидаги балиқлар морфологик хусусиятларига ўрганиш, сув ҳавзасида етиштирилаётган балиқларнинг жинсий вояга етиш хусусиятлари ҳамда серпущлик (мутлак, нисбий) кўрсаткичларини аниқлаш, сув ҳавзасига ўтказилган балиқ чавоқлари миқдори бўйича мавсумий ва йиллик қиёсий таҳлиллар ўтказиш каби вазифаларни ҳал этиш зарур бўлади.

Хулоса: Зикри кўлидан балиқчилик масадларида фойдаланишда яйлов аквакультураси технологияси истиқболли ҳисобланади. Мазкур технология объектлари сифатида карпсимон балиқлар ҳовуз поликультураси объектлари бўлган – карп, оқ ва чипор дўнгпешона ва оқ амур балиқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юлдашов М.А., Курбанов Р.Б., Камилов Б.Г . Использование коллекторно-дренажной воды для прудового рыбоводство в Узбекистане //“Рыбохозяйственные водоемы России: фундаментальные и прикладные исследования» II Всероссийский научный Конференция с международным участием. Санкт-Петербург 2018 2-4 апреля, С.602 – 608
2. Камилов Б.,Г.Халпаев И.И.,Курбанов А.Р. Взаимосвязи рыбоводных показателей в применяемой технологии рыбоводства в Узбекистане// В сборнике статей: Сохранение и восстановление биологических ресурсов Каспийского моря. – Баку: "Элм", 2013. С.300-306. DOI: 10.13140/RG.2.1.2147.3361.

УЎК:639.2